



ҚАРОР

2009 йил "3" декабр

№ 1241-Қ

Самарқанд тумани

“Самарқанд туман ҳокимининг 2002 йил 4 мартдаги 84-Қ рақамли қарорини бекор қилиш ҳамда фуқаро Болтаев Шамсиддинга хусусий маиший хизмат кўрсатиш кичик корхонаси қуриш учун 0,10 га ер майдони ажратиш ҳақида”.

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги, деҳқон ва фермер хўжаликларига ва бошқа ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2009 йил 12 ноябрдаги 160 сонли хулосаси, “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Пулимуғоб” маҳалласида яшовчи фуқаро Тагиев Худойберди ҳамда Самарқанд шаҳар Зехний кўчасида яшовчи фуқаро Болтаев Шамсиддинларнинг туман ҳокими номига ёзган аризаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23 ва 36 моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимининг 2002 йил 4 мартдаги 84-Қ сонли қарори бекор қилинсин.
2. Фуқаро Тагиев Худойбердига ажратилган 0,10 га ер майдони туман ҳокимлиги Давлат захира ерлари ҳисобига қайтариб олинсин.
3. Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги, деҳқон ва фермер хўжаликларига ва бошқа ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг Болтаев Шамсиддинга хусусий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш кичик корхонаси қуриш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган “Конигил-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 630 контуридаги 0,10 га ер майдони ажратиш ҳақидаги 2009 йил 12 ноябрдаги 160 сонли хулосаси тасдиқлансин.
4. Фуқаро Болтаев Шамсиддинга хусусий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш кичик корхонаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси ва давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш юклансин.
5. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”га асосан ер солиғини ундириш ва 2010 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов) га топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев